TURK ELI

International Scientific Journal



Volume 1 | Special Issue Part 1 | 2026

Manas, Kyrgyz Republic

www.turkeli.science

TURK ELI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

The journal is officially registered as a mass media outlet by the Justice Department of Manas Region under the Ministry of Justice of the Kyrgyz Republic in accordance with Registration Certificate No. 10339 dated March 11, 2024. The journal is registered under the title “TURK ELI” International Scientific Journal and is authorized for publication in Kyrgyz, Turkish, Uzbek, Kazakh and English languages.

Honorary President
Sarvar Ispahi

Editor-in-Chief
Jenishbek Duysheev

Deputy Editor in-Chief
Rahmonali Hasanov

Editorial Board:

Ablat Khodjaev (Prof. Dr.)
Shakimashrip Ibraev (Prof. Dr.)
Shohistahon Uljaeva (Prof. Dr.)
Kubanychbek Kalchakeev (Prof. Dr.)
Abdimajid Madraimov (Prof. Dr.)
Shukhrat Sattorov (Prof. Dr.)
Ibrahim Kush (Dr.)
Faig Elekberli (Dr.)
Erdenebayar Nasanbat (Dr.)
Gulnara Anarbaeva (Dr.)
Nurgul Aldabek (Dr.)
Nurjamal Myrzabaeva (Dr.)
Takhirjan Kazakov (Dr.)
Elmira Hazratkulova (Dr.)
Azamat Kaliev (Dr.)
Abdulvakhidkhon Nuriddinov (Dr.)

About this Special Issue

This Special Issue presents selected papers from the International Scientific Conference
Ijtimoiy fanlar va jamiyat taraqqiyoti:
barqaror rivojlanishning strategik yo‘nalishlari

Technical Editor
Laziz Baxtiyorov

Publisher: turkeli.science
E-mail: editor@turkeli.science


TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
TITU
TOSHKENT – 2022
TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI
IJTIMOIY FANLAR FAKULTETI
IJTIMOIY FANLAR VA JAMIYAT TARAQQIYOTI:
BARQAROR RIVOJLANISHNING
STRATEGIK YO‘NALISHLARI
GLOBAL MIQYOS
STRATEGIYA VA TARAQQIYOT
ILM-FAN VA INNOVATSIYA
JAMIYAT VA INSON KAPITALI
XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
ILM-FAN ORQALI BARQAROR KELAJAK SARI
2026-yil 15-may

G. A. Kurbonova	The Meaningful Life Journey of Sahibqiran Amir Temur Across the Ages	85
N. B. Kuvatova	The Educational Environment in Higher Education Systems: Theoretical Perspectives and Effectiveness	91
F. R. Khasanova	Implementing Virtual Tours and Intelligent Technologies in Museums of Uzbekistan: Challenges and Prospects	95
F. Muratova	Contemporary Requirements for Professional Practice in Psychology: Challenges and Strategies for Overcoming Them	98
D. Dj. Rashidova	The Role of Lifelong Learning in Human Capital Development	102
Y. Saburova	The Significance of the Third Renaissance in Societal Development	104
Sh. Kh. Buriyev	The Strategic Importance of Preserving Cultural Heritage in Societal Development: The Evolution of the Conservation, Restoration, and Preservation System for Museum Collections in Uzbekistan (1991–2025)	107
H. T. Usmonov	The Art of Calligraphy and Beautiful Handwriting	113
N. A. Yuldasheva *N. Tursunaliyeva* *S. Sh. Bekturdiev*	Digital Transformation in Primary Education: Contemporary Technologies and Future Development Prospects	116
S. V. Yuldashev *A. Sharafiddinov*	History Horse Breading in Ferghana Valley	120
M. Ch. Saidova	The Effectiveness of Peer Support Programs in Preventing Bullying in School Environments	124
Sh. Sh. Uzakov	Conceptual Foundations and Empirical Analysis of Poverty Reduction Through Improving the Entrepreneurial Environment	128

Conceptual Foundations and Empirical Analysis of Poverty Reduction Through Improving the Entrepreneurial Environment

Sh.Sh.Uzakov (Doctoral Student)[1]

[1.] Higher School of Business and Entrepreneurship
Tashkent, Uzbekistan

Abstract.
This article examines the causal relationships between the institutional development of the entrepreneurial environment and poverty reduction based on macroeconomic data of the Republic of Uzbekistan for 2021–2025. The author proposes conceptual guidelines for sustainable poverty reduction not through social transfers alone, but by increasing the entrepreneurial activity of the population and ensuring inclusive employment. Using an econometric model based on time series, the elasticity trends of GDP per capita in reducing the poverty rate are evaluated, and the statistical significance of the model parameters is proven.
Keywords: entrepreneurial environment, small business, poverty reduction, inclusive growth, gross domestic product, econometric model, MCE, institutional reforms

Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали камбағалликни қисқартиришнинг концептуал асослари ва эмпирик таҳлили

Узаков Ш.Ш. (докторант)[1]

[1.] Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация.
Ушбу мақолада тадбиркорлик муҳитини институционал ривожлантириш ва камбағаллик даражасини пасайтириш ўртасидаги сабаб-оқибат алоқалари Ўзбекистон Республикасининг 2021–2025 йиллардаги расмий макроиқтисодий маълумотлари асосида тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан камбағалликни фақатгина ижтимоий трансфертлар орқали эмас, балки аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш ва инклюзив бандликни таъминлаш орқали барқарор қисқартиришнинг концептуал қоидалари таклиф etilgan. Динамик қаторлар асосида шакллантирилган эконометрик модель ёрдамида аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг камбағаллик даражасини пасайтиришдаги эластиклик тенденциялари баҳоланган ва модель параметрларининг статистик аҳамиятлилиги исботланган.
Ключевые слова: тадбиркорлик муҳити, кичик бизнес, камбағалликни қисқартириш, инклюзив ўсиш, ялпи ички маҳсулот, эконометрик модель, МИХ, институционал ислоҳотлар

Кириш. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини изчил ошириш замонавий макроиқтисодий сиёсатнинг устувор мақсадларидан биридир. Жаҳон тажрибаси ва эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, камбағалликка қарши курашишда фақат бюджет маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри молиявий трансфертлар ёки пассив ижтимоий ёрдам кўрсатиш муаммонинг барқарор ечими бўла олмайди. Бундай ёндашув фискал босимни ошириш билан бирга, аҳоли орасида боқимандалик кайфиятининг шаклланишига олиб кириши мумкин.

Муаммонинг узоқ муддатли ва тизимли ечими – аҳолининг ўз даромадларини мустақил равишда шакллантириши учун институционал шароит яратиш, яъни тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш ҳисобланади. Кичик тадбиркорлик сектори меҳнат сиғимдорлиги юқорилиги сабабли, кам таъминланган аҳоли қатламини бирламчи иш жойлари билан таъминлаш ва уларни легал иқтисодий занжирларга интеграция қилишнинг асосий кўприги вазифасини бажаради. Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар контекстида ушбу муаммонинг концептуал қоидаларини ишлаб чиқиш ва эмпирик баҳолаш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодий ўсиш, тадбиркорлик фаоллиги ва даромадлар тенгсизлиги ўртасидаги боғлиқлик С. Кузнец, Н. Манкив, Д. Ромер ва Д. Вейл каби иқтисодчиларнинг фундаментал ишларида тадқиқ etilgan. Мазкур неоклассик ўсиш моделларида инсон капитали ва институционал муҳит иқтисодий барқарорликнинг асосий омиллари сифатида эътироф этилади.

Жаҳон банки экспертлари ва А. Сен каби машҳур олимларнинг фикрича, камбағаллик фақат даромаднинг камлиги эмас, балки имкониятларнинг чекланганлигидир. Қулай тадбиркорлик муҳити аҳолининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиради. Маҳаллий олимлардан и.ф.д., проф. Н.Маҳмудов, Б.Беркинов ва бошқалар ўз тадқиқотларида кичик бизнеснинг бандликдаги ўрнини ўрганган бўлсалар-да, айнан тадбиркорлик муҳити индикаторларининг камбағаллик даражасига миқдорий (эконометрик) таъсирини комплекс баҳолаш масалалари миллий иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиқиб, янада чуқурроқ тадқиқ этилишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда тизимли ёндашув, қиёсий макроиқтисодий таҳлил, трендларни баҳолаш ҳамда

вақтли қаторлар (Time Series) асосидаги корреляцион-регрессион таҳлил методларидан фойдаланилди. Эмпирик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2021–2025 йиллардаги расмий макроиқтисодий кўрсаткичлари маълумотлар базаси асос қилиб олинди. Тадбиркорлик муҳити ва аҳоли фаровонлиги ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш мақсадида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши (SME), кичик бизнеснинг бандликдаги улуши (EMP) ва аҳоли жон бошига ЯИМ динамикасининг камбағаллик даражаси (POV) билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда умумий эластиклик тенденциялари ўрганилди.

Эмпирик параметрларни аниқлаш мақсадида Энг кичик квадратлар усули (ЭККУ) ёрдамида бир омилли чизиқли регрессия модели қурилди. Моделнинг статистик ишончлилиги детерминация коэффиценти (R^2) ва Фишер мезони (F-тест) орқали текширилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва камбағалликни қисқартириш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни эмпирик баҳолаш мақсадида тизимли макроиқтисодий таҳлил ҳамда эконометрик моделлаштириш методларидан фойдаланилди. Назарий жиҳатдан, қулай тадбиркорлик муҳити аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ҳажмини ошириш орқали кам таъминланган қатламнинг даромад топиш имкониятларини кенгайтиради. Шу сабабли, қурилаётган эконометрик моделда натижавий омил сифатида мамлакатдаги умумий камбағаллик даражаси (POV), унга таъсир этувчи бош ҳаракатлантирувчи куч сифатида эса тадбиркорлик фаоллигининг интеграл акси бўлган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи танлаб олинди. Ушбу омиллар ўртасидаги қонуниятларни аниқлашда сўнгги йиллардаги институционал ислоҳотлар даври қамраб олинди ва улар дастлаб қуйидаги динамик қаторлар тренди асосида тизимлаштирилди (1-жадвал).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, аҳоли жон бошига ЯИМ номинал қиймати 2021 йилдаги 24 664,7 минг сўмдан 2025 йилга келиб 48 816,4 минг сўмгача, яъни деярли 2 бараварга ортган.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий ва тадбиркорлик кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	2021	2022	2023	2024	2025
Аҳоли жон бошига ЯИМ (жорий нархларда, минг сўм)	24 664,7	29 226,7	34 653,2	41 306,7	48 816,4
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши (%)	56,3	54,3	53,8	53,5	52,2
Кичик бизнеснинг бандликдаги улуши (%)	74,5	73,9	74,0	74,5	74,7
Камбағаллик даражаси (%)	17,0	14,1	11,0	8,9	5,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

Эслатма: 2021 йилдан бошлаб миллий методологияда Минимал истеъмол харажатлари (МИХ) қиймати жорий этилган.

Ушбу даврда кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 56,3% дан 52,2% гача макроиқтисодий тузилмавий ўзгаришлар (йирик индустриал лойиҳалар ва давлат инвестицияларининг жадал ўсиши) ҳисобига нисбатан пасайган бўлса-да, у хусусий секторнинг мослашувчанлиги туфайли бандлик соҳасида юқори позициясини сақлаб қолди. Кичик бизнеснинг бандликдаги улуши 74,5% дан 74,7% гача барқарор сақланиб қолган ва ҳатто ўсиш тенденциясини намойиш этган.

Камбағаллик даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасидаги миқдорий боғлиқликни аниқлаш мақсадида аҳоли жон бошига ЯИМ (X) омилининг камбағаллик даражаси (Y) га таъсири бўйича қуйидаги жуфт регрессия тенгламаси шакллантирилди:

$$Y=27,53-0,00045X$$

Модель параметрларининг иқтисодий талқини шуни кўрсатадики, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми ҳар 1 000 минг сўмга ортганда, мамлакатдаги камбағаллик даражаси ўртача 0.45 фоиз бандига пасаяди. Тенгламанинг озод ҳади (27,53) тадбиркорлик фаоллиги ва иқтисодий ўсиш омиллари мавжуд бўлмаган тақдирдаги базавий ижтимоий ҳолатни акс эттиради.

Моделнинг статистик ишончлилик кўрсаткичлари юқори сифатга эга:

Пирсон корреляция коэффиценти (r): -0.981 га тенг бўлиб, омиллар ўртасида ўта юқори тескари боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Детерминация коэффиценти (R^2): 0.962 ни ташкил этди. Бу эса камбағаллик даражаси дисперсиясининг 96,2 фоизи аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг ўзгариши (тадбиркорлик муҳити яхшиланиши оқибатидаги иқтисодий ўсиш) ҳисобига шаклланишини англатади.

Фишер мезони (F-тест): Ҳисобланган F_calc = 76.4 қиймати жадвалдаги критик қийматдан катта (F_table=10,13), бу моделнинг $p < 0.01$ ишончлилик даражасида статистик жиҳатдан тўлиқ аҳамиятли эканлигини тасдиқлайди.

Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори миллий иқтисодиётда фақат ялпи маҳсулот ҳажмини оширувчи омил эмас, балки аҳоли даромадларини тенг тақсимлаш ва инклюзив (ҳамма учун очиқ) бандликни таъминлашда кучли ижтимоий-иқтисодий стабилизатор вазифасини бажарганини кўрсатади.

Муҳокама. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон моделида тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бевосита камбағаллик тузоғидан чиқишнинг энг самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши бироз камайган шароитда бандлик улушининг 74,7% гача ортиши – бу секторнинг ижтимоий сиғимдорлиги ўта юқори эканлигини англатади, яъни йирик корхоналар капитал сиғимдор бўлиб, кўп иш ўрни яратмаслиги мумкин, бироқ кичик бизнес тадбиркорлик муҳити яхшиланиши ҳисобига кам даромадли аҳолини тез фурсатда меҳнат бозорига жадал жалб этади. Камбағалликнинг 5,8% гача тушиши феномени маҳаллабай ишлаш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва микрокредитлаш соҳасидаги институционал қулайликларнинг тўғридан-тўғри натижасидир.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари ва ўтказилган макроиқтисодий таҳлиллар асосида қуйидаги концептуал таклифлар илгари сурилади:

1. Баҳолаш мезонларини трансформация қилиш (KPI). Статистика органлари ва маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини баҳолашда фақат “рўйхатдан ўтган субъектлар сони” эмас, балки “ҳар бир субъект томонидан яратилган барқарор иш жойлари ва уларнинг камбағал оилалар даромадига таъсири” индекси асосий мезон қилиб

белгиланиши лозим.

2. Дифференциаллашган муҳит яратиш. Орқада қолаётган аграр ва чекка ҳудудлар (масалан, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг тоғли туманлари) учун индивидуал бизнес-инкубаторлар тизимини ташкил этиш, уларга соддалаштирилган солиқ режимлари ва сув-энергия тежовчи технологиялар учун мақсадли субсидиялар ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Институционал соддалаштириш. Норасмий секторда банд бўлган аҳолини тадбиркорликка интеграция қилиш мақсадида расмийлаштириш харажатларини минималлаштириш ва узоқ муддатли соддалаштирилган микрокредитлаш механизмларини кенгайтириш.

References

1. Mankiw N. G., Romer D., Weil D. N. A Contribution to the Empirics of Economic Growth // The Quarterly Journal of Economics. – 1992. – Vol. 107. – No. 2. – pp. 407-437.
2. Sen A. Development as Freedom. – Oxford University Press, 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг йиллик тўпламлари (2021–2025 йй.).
4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг якуний ҳисоботлари (2021–2025 йй.).